



“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини куриш бўйича ИК” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Р.Холикназаровга

Техник шарт

2022 йил 17 октябрдаги 485-сонли хатингизга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрел кунги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлари” тўғрисидаги ПҚ-5072 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бешариқ тумани Дўстлик МФЙ худудида яшовчи аҳолини ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш мақсадида қуйидаги ишлар бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича:

Бешариқ тумани Дўстлик МФЙ худудида яшовчи аҳолининг бир кунлик сув сарфи 999 м³ хисобланиб ичимлик сув билан таъминлаш учун уланиш нуқтаси: **Дўстлик МФЙ Бешовул ва Файз кўчалари** худудидаги мавжуд Д-219 ммли 1 дона ичимлик сув кудугини реконструкция қилиш, 1 дона замонавий электр тежамкор ичимлик сув насоси ўрнатиш, 1 дона 25м³ ли хажмдаги ичимлик сув минораси ўрнатиш ва унга UZSUVTAMINOT логотипи тушуриш, автоматик ўчириб ёқиш ускунаси (Поплавок) ўрнатиш, 1 дона трансформатор (ТП) ўрнатиш, химоя зонасини ўраш, 1 дона электр бошқарув (шит каскад) ўрнатиш, гидравлик хисоб-китобларга кўра лойиха асосида ичимлик сув тармоғи тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ талабларига ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда бажарилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха смета хужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха смета хужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета хужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Бош муҳандиси:



И.Абдуллаев

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
ИЧБ бошлиғи:

Д.Ҳамидов